ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИНИНГ
**ҚАРОРИ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
HOKIMINING
**QARORI**

«07» январ 2016 й. Наманган шаҳри 4-сонли

## Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларида сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловнинг чекланган миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Қонун ҳужжатларини бузганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 149-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 207-модда) қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 20 июлдаги ММ/15-04-19-12/75-1146-сонли хатига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган бир дона енгил автотранспорт воситаларини бир соат сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизмат учун тўловларнинг чекланган миқдори 275 (икки юз етмиш беш) сўм деб белгилансин.

2. Мазкур қарор "Наманган ҳақиқати" ва "Наманганская правда" газеталарида ва расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Вилоят ҳокимлигининг компьютерлаштириш маркази (Ахунбабаев)га мазкур қарорни вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Дадабаев зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Х. Бозаров**

Rasmiy hujjatlar uchun